

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ОИЛА” АСАРИДА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Тожалиева Мухайёхон Абдурахим қизи

Тошкент Амалий фанлар университети

1-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада А.Фитратнинг “Оила” асарининг ёшлар учун ҳаётий қўлланма бўлувчи тарбиявий, юксак ахлоқийлик қарашларини ўрганишга ҳаракат қилинган. Туркистон ва туркистонликни озод кўриш, ахлоқий қадриятлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш кераклиги, бугунги кунда ёшлар тарбиясида билим ва қасб-хунарга қизиқиш, ота-онага хурмат, дўстга садоқат, меҳр-шафқат, ҳалоллик ва поклик каби ахлоқий фазилатлар каби масалаларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Жадид-маърифатпарварлар, А.Фитрат, оила, ижтимоий-ахлоқий қарашлар, ёшлар, илм-фан, тарбия.

Абдурауф Фитрат Марказий Осиё жадидчилик ҳаракатининг машхур намоёндаларидан, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан, усули жадид мактабларининг назариётчиси ва амалиётчиси, драматург, носир, шоир ва олим. У маданиятимиз тарихида шоир ва носир, драматург ва публицист, тилшунос ва адабиётшунос, тарихчи ва файласуф, санъатшунос ва жамоат арбоби сифатида қолди.

Мамлакатимизнинг юксак тараққиёти ва истиқболини таъминлашда бошқа ижтимоий институтлар билан бир қаторда оила институтининг ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир. Бугун дунёда юз берәётган ҳар қандай ўзгаришлар, у хоҳ иқтисодиётда, хоҳ маънавий-ахлоқий соҳаларда бўлмасин, ўз таъсирини оилавий мухитда намоён этди. Ушбу масалада, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу-шуурида, маънавиятида Ватан туйғусини мустаҳкам қарор топтириш вазифаси ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

Қадим-қадимдан оила - муқаддас даргоҳ яъни ватанга қиёсланган. Оила кишиларда юртга садоқат, ота-онага чексиз муҳаббат, aka-укалар ўртасида меҳроқибат туйғуларини шакллантирувчи маскан сифатида қадрланиб келинган. Шу сабабдан, оиласда ахлоқни юксалтириш ва тарбияни шакллантириш ва мустаҳкамлаш масаласи тараққиётнинг ҳар бир босқичида, шу жумладан, XX асрда ҳам долзарб масала сифатида қаралган. “Оила – муқаддас маскан. «Оила»

асарида оилавий хаётнинг ислоҳотидан баҳс юритилиб, адиб нажот йўлларини ахтаради.

Абдурауф Фитратнинг ахлоқий қарашлари, тарбияга доир ғоялари асосан унинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” номли асарида берилган. Ушбу асар 1914 йилда ёзилган бўлиб, 1915-1916 йилларда Бокуда нашр қилинган. Фитратнинг “Оила” асари ўша давр шиддати ва ижтимоий ҳаётнинг реал мухитини ўзида мужассамлаштирган асар ҳисобланади. “Оила” асари А.Фитратнинг юксак билим ва чуқур мулоҳаза эгаси эканлиги асар моҳиятига сингдирилган масалалар мазмунини ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим оятларига таяниб таҳлил этилганлигига, шунингдек, ҳар қандай ижтимоий ва шахсий муносабатларга етук мутахассис сифатида ёндашганида яққол кўзга ташланади. Шу сабабдан ушбу асарни том маънода ўсиб келаётган ёш авлод учун ҳаётий қўлланма сифатида фойдаланишга арзийдиган тарбиявий асар деб баҳолаш мумкин. Ушбу асарда, оила ва унга боғлиқ жамики масалалар ҳам танқидий рух, ҳам юксак даъват руҳида ёритилган бўлиб, асарда Фитрат бошқа жадид намоёндалари қатори она Туркистонни озод кўришни чин дилдан истайди, бу мақсадга эришиш учун ҳар бир туркистонлик оила, ахлок, аъмол ва эрк ўчоги бўлмоғи лозим деб таъкидлайди. Зотан, адиб жамиятни ичдан ислоҳ қилиш, яъни жамиятнинг бўғини бўлмиш оиласдан нажот йўлларини қидиргани асло бежизга эмас. Ҳар бир нарсанинг мағзини тарбиядан ахтараётгани, ҳар бир муваффақиятсизлигимиз, мағлубиятларимиз сабабларини оиласага, ундаги тарбия мухитига менгзаб қўяётгани бекорга эмас.

Дарҳақиқат, давлатимиз келажаги ҳам, ривожланган мамлакатлар орасида тутган мавқеи ва салоҳияти ҳам, дунёқарashi, билими, ақл-заковати, ватан, жамият ва оила олдидаги бурчи ва масъулиятини теран англайдиган, бугунги авлодга боғлиқдир. Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асари том маънода янги ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёшларимизга дастуруламал вазифасини ўтайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “...юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиласининг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда”[2], – деб таъкидлайди.

Фитрат асарда миллат камчилиги сифатида иқтисодий саводсизликни келтиради. Масалан, “Қалин (пули) ва тўй қандай бўлиши лозимлиги ҳақида” деб номланган бобда” деб номланган бобида бизнинг одамлар бутун умр йиққан мол-дунёсини бир кунлик тўйга сарфлашини, қаердаги bemaza орзу- ҳавасларга берилиб, исрофгарчиликларга йўл қўйишини қаттиқ танқид қилади.[4.62]

Мутафаккир тўйни кичик даврада исрофгарчиликсиз ўтказиб, ундан қолган маблағни ёшларни илм олишларига, соғликлари ва эҳтиёжларига сарфлашларини таъкидлайди [5.65]. ”Маҳр масаласи мамлакатимизда жуда муҳимдир. Юқорида зикр этганимиздек маҳр миқдорининг кўплигидан кўп эркакларимиз камбағаллиқдан хотинсиз юрадилар. Бу иллатни йўқотиш лозим. Ҳукуматимиз ҳам маҳр бобида қонун қабул қилиб, унинг чегарасини аниқлаб, ким ҳукумат қароридан бир қадам четга чиқса, унга жазо тайинлаши керак. Маҳрнинг оғирлиги шаръян ҳам тўғри эмас. Ҳазрати Умар (р.а.) дейдилар: “Эй мусулмонлар, ёдингизда бўлсин, Хотинлар маҳрини кўп қилманглар. Агарда кўп маҳрнинг бу дунё ва охиратда фойдаси бўлганда эди, ҳазрат Пайғамбар бу ишларни сизлардан яхшироқ билган ва қилган бўларди. Ул ҳазрат ҳар бир хотин олганларида ва қизларини эрга берганларида ўн икки уқиядан ортиқча маҳр тайин қилмаганлар”. [6.25]

Маърифатпарвар Фитратнинг фикрлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Сабаби, бугун ҳам жамиятимизда беъмани орзу-ҳаваслар деб, исрофгарчиликларга кўп пул сарфлаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Муаллиф асарда иқтисодий саводсизлик кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаришини ҳам алоҳида таъкидлайди. Масалан, ҳамма пул тўйга сарфлангандан кейин ёш оиласлар рўзгор тебратишга қийналади. Қарз-хавола қилиб ўтказилган тўйни қарзлари тўланадими ёки рўзгор тебратиладими. Бу каби муаммолар бугун ҳам худди ўша даврдаги каби жамиятимиз аъзоларини бирдек ташвишлантиради.

Бугунги кунда тўйлардаги дабдабабозлик, дастурхонлардаги ғоят ортиқчаликлар, айrim вилоят ва туманларимизда қалин пулининг кўплиги, тўй базмларидағи машиналар карвони ва ҳаказолар жамиятимизни ичдан емираётган иллатларнинг пишиб этилишига, оиласларнинг нотинчлигига, қарздорлар сони, муҳтоҷлар сони ортишига сабабчи бўлаётганлиги, минг афсуски бор гап. Айнан шу каби иллатларни бартараф этишда катта масъулият оила қуриш остонасидаги икки ёш ҳамда уларни камолга етказган волида ва падарларимиз зиммасига тушади, улар доимо узоқни кўра била олиши, етти бора ўлчаб бир бора кесмоғи жоиз. Тўй ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилган муаллиф ундаги ҳар бир компонентга: муҳаббат, висол, муросайи мадора, талоқ кабиларга жиддий ёндашади. Жамиятимиздаги навбатдаги иллат – қизларнинг таълим олмаслигини қоралайди. Бу масалани ҳам эрнинг зиммасига юклайди.

Абдурауф Фитрат ушбу асари эса, ҳар бир янги оила учун қўлланма вазифасини ўташи мумкин бўлган ахлоқий-тарбиявий масалаларни ёритади. У ватанпарварлик ва миллатпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, китобнинг биринчи қисмига, маълум маънода меъёрий дастуриламал тарзида тартиб

беради. Ундан ҳар бир янги оила қурмоқчи бўлган ёш-авлод, кичик ҳажмдаги ахлоқий-маиший, гигиена ва саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин бўлади.

Ушбу китобнинг иккинчи қисми фарзанд тарбиясига бағишлиланган бўлиб, Фитрат ҳам тарбияни анъанавий йўналишда талқин этади: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Ана шу уч тарбия уйғунлигига ҳақиқий инсон камол топади, деб кўрсатиб ўтган. Китобнинг бу қисмида Фитрат, маълум маънода, ўзига хос ахлоқий тарбия назариясини тақдим қиласди. У ихтиёр эркинлиги муаммосини майл тушунчаси орқали ўртага ташлайди: баҳт майли, фаолият майли, алоқа майли, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли ва бошқалар.

Мустақиллик, демократия, озодлик каби эзгу ғоялари қаторида ахлоқий тарбия, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси Фитратнинг бутун фаолияти, барча асарлари ва мақолаларида бош мақсад бўлиб келганлигини кўриш мумкин. Бу ғоялар нафақат бугунги кун ёш-авлодлари ҳаётида, балки, жамиятнинг барча қатламларига, руҳиятига ҳам бирдек ижобий таъсир қилиб, уларнинг мустақил Ўзбекистоннинг ривожлантиришларида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга ундейди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, биз ҳеч маҳал бир нарсани, яъниким буюк Навоий айтганидек, табиатнинг гултожи эканимизни зинҳор эсимиздан чиқармаслигимиз, инсон деган улуғ номга муносиб ҳолда “шарафли ва соғ яшамоқ”ни олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз шарт. Оила аталмиш мустаҳкам қўргонимизни ўз қўлларимиз билан бузишни эмас, аксинча, ҳар бир нафас олаётган кунимизга минг бора шукроналар айтиб, ўзимиздан аждодларимизга муносиб бўлган ҳар томонлама мукаммал, етук бўлган шажара давомчиларини қолдиришга ҳаракат қилайлик. Зеро, бугунги ҳаётимиизда бизга берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар ҳозирда деярли кўпчилик мамлакатларда йўқ. Фитрат таъкид қилган, ҳайвонлар ҳам қилмайдиган ишларни эмас, Навоий айтгандек, шарафли яшашга лойик бўлган фарзандларни тарбиялаб, билим бериб ота-боболаримиз руҳини шод қилайлик! Токи, оптимиздан раҳмат дарёси ҳамиша мавжланиб турсин![]

Дарҳақиқат, давлатимиз келажаги ҳам, ривожланган мамлакатлар орасида тутган мавқеи ва салоҳияти ҳам, дунёқараши, билими, ақл-заковати, Ватан, жамият ва оила олдидаги бурчи ва масъулиятини теран англаши, бугунги авлодга боғлиқдир. Зеро билим ва касб-хунарга қизиқиши, ота-онага хурмат, дўстга садоқат, меҳр-шафқат, ҳалоллик ва поклик каби ахлоқий фазилатлар оилада шаклланади ва сайқал топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент.: “O’zbekiston”, 2021 ийл, - 464 бет
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т.:”Ўзбекистон” – 2017. 123-б.
3. Фоибова Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари: Ф.ф.н...дисс. Т.: 1996. -152 б.
4. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, «Маънавият», 2000. 62-б
5. Фитрат “Оила”. Т., «Маънавият», 1998. 65-б
6. Абдурауф Фитрат.Оила ёки оила бошқариш тартиблари.Тошкент “Маънавият”,2000. 25-б.
7. Амридинова Д.Т. Жадидчилик таълимотида комил инсон концепциясининг фалсафий-ижтимоий моҳияти: Ф.ф.д (DSc)...дисс. -Самарқанд.: 2021. – 250 б.
8. А.Навоий. Маҳбуб ул—қулуб. Муқаммал асарлар Тўплами, ўн тўртинчи том. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти.